

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ Таълими Вазирлиги**

**Муқимий номидаги Қўқон давлат
педагогика институти**

**ФАЛСАФА
фанидан ишчи ўқув
ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000- таълим
Таълим соҳаси: 140 000- ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фаолияти
Бакалаврият йўналишлари 5140100- Математика
5140500 – География, иқтисод.
5141100 – Муסיқа
5141300 – Ўзбек тили ва адабиёти
5141400 – Хорижий тиллар
5141500 – Ҳуқуқ
5140600 - Тарих
5141600 – БТ ва тарбиявий ишлар
5141700 – Мактабгача таълим
5141900 – Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
5141100 – Педагогика ва психология

Қўқон-2008

Тузувчилар: ф.ф.д. М А..Қаҳҳоров
кат. Ўқит..О.Алиева

Ташқи тақризчи: Мирзо Улуғбек номидаги
ЎзМУ профессори,
ф.ф.д. С.Шермухаммедов

Ички тақризчи: ф.ф.н., доц Т.ТешабоевФ.

Дастур 2007 йил 27 август Қўқон давлат педагогика институтининг
Илмий кенгашида қайта (1-сонли қарор) кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Фаннинг номи:	<u>Фалсафа</u>
Факультет:	Бакалавр йўналишларида
Кафедра:	Ижтимоий фалсафа
Курснинг хажми:	20 соат маъруза, 32 соат амалий машғулот, 36 соат мустақил иш
Асосий аудитория:	бакалавриат (III - семестр)
Ўқитиш шакли:	маърузалар, семинар, ўқув баҳс- мунозара, тест карточкалари билан ишлаш.
Ўқув методи:	“моделли таълим технологияси”, “ақлий хужум”, “кластер”, “семантик”.
Ўқув натижалари устидан назорат:	кўп вариантли фикрлашни ўзлаштириш учун талабаларни мавжуд билимларга етиб бориш ўқув семинари, мустақил иш, оралиқ назорат.

1.1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон мустақиллика эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски қарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда фалсафа фанининг ривожини улкан аҳамият касб этади. Фалсафа дунёқарашни шакллантирувчи фан сифатида умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштирилган ҳолда талабалар онгида дунёқарашнинг умумлашган тизимини яратиш ва унда инсон ўрнини кўрсатишга қаратилган. Зеро, фалсафанинг асосий вазифаси инсон онгида соғлом ақлга мос дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

1.2. Талабалар билимига қўйилган талаблар.

Талаба “Фалсафа” фани бўйича фалсафий дунёқараш, инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни ва моҳияти, моддий борлиқ ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги ўзаро қонуниятлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Марказий Осиё мутафаккирларининг Ватан ва жаҳон маданияти, фалсафаси фанининг ривожланишидаги ҳиссаси, ўрнини:

- борлиқ концепциясининг мазмуни, унинг ўз-ўзини ташкил этиши, моддийлик ва маънавийлик тушунчаси, унинг моҳияти, динамик ва статик қонуниятларини;
- ижтимоий фалсафа: жамият ва унинг таркибий тузилиши, давлат, демократия, фуқаролик жамияти тушунчаларининг моҳияти, ижтимоий тараққиётнинг босқичлари ва цивилизация концепцияларини;
- ижтимоий муносабатлар тизимида инсон моҳияти, онг ва ўз-ўзини англаш таълимоти, аксиология, ахлоқий ва маънавий қадриятларини;
- диалектика, синергетика, ҳаракат ва ривожланиш, макон ва замон ҳақидаги таълимотларни;
- табиий, гуманитар ва бошқа фанларни ўрганишда умумфалсафий услуб ва тамойилларни;
- билишнинг умумфалсафий методларини билиши керак.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Фалсафа – барча фанлар ривожланишига асос бўладиган ва улардан озиқланадиган, айни пайтда уларнинг ривожланиши йўллари билан белгилаб берадиган умуминсоний ва универсал фан. Дунёқарашни шакллантириш борасида фалсафа табиий, ижтимоий, аниқ, техник фанлар ютуқларини умумлаштиради, уларга таянади, улардан фалсафий хулосалар чиқаради.

КИРИШ

Мустақиллик даврида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар рўй бермоқда, туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг умумий йўналишига дадил кириб бормоқда.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, уни жадаллаштириш омили бўлмиш фаннинг турли соҳалари жумладан, даврни, замонни фалсафий мушоҳада қилишнинг ҳам тубдан янгиланишини тақозо қилмоқда. Республика Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ушбу жараён моҳият-мазмунининг умумий йўналишлари ва анъаналарига оид кўрсатма ва хулосалар асослаб берилган. Эндиликда миллий фалсафий меросимизга ҳам, жаҳон фалсафаси намуналарига ҳам янгича ёндашув талаб қилинади. Собиқ иттифоқ мафкураси ҳукмронлиги остида таркиб топган бир ёкламалikka таянган, сунъий равишда қарама-қарши ва зид томонларга парчалаб ташланган жаҳон фалсафий мероси эркин, холис, плюралистик тамойилларга асосланган баҳсга ва муносабатга муҳтож.

Шу боис фалсафа фанига янгича тафаккур асосида ёндашиб, ундаги илғор ғояларни ижтимоий тараққиётга тадбиқ қилиш, талабаларнинг фалсафий тафаккур маданиятини ривожлантириш, миллий тараққиётимиз жараёнидаги рўй берадиган янги ҳодисаларни фалсафий асослаш долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда олий ўқув юрталари ўқув режасига киритилган фалсафа фанини ўқитишни самарали ташкил этиш, маъруза ва семинар машғулотларини янги педагогик технологиялар асосда олиб бориш лозим бўлади.

ЛЕКЦИЯЛАР, МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1. Фалсафа фанининг мавзуи, муамolari ва вазифалари.

Фалсафа атамасининг луғавий маъноси. Фалсафа фанининг вазифаси ва баҳс мавзулари. Абдий ва ўткинчи муаммolar. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик. Жаҳон фалсафаси тараққиётида миллий фалсафий мактабларнинг ўрни.

Дунёқараш тушунчаси ва унинг турлари. Мифологик, диний ва фалсафий. Фалсафий дунёқарашнинг умуминсоний ва миллий хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти. Ижтимоий- гуманитар фанлар тизимида фалсафанинг ўрни ва мавқеи. Фалсафанинг бошқа фанларларга таъсири, дунёқараш ва методология сифатидаги аҳамияти. И. А. Каримов ижтимоий- фалсафий билимларнинг янги мазмундаги тизимини яратиш зарурияти ҳақида.

Фалсафанинг функциялари. Инсон ва жамият ҳаётида фалсафанинг ўрни ва роли.

Мустақиллик –фалсафий тафаккур ўзгаришининг асоси ва шарт –шароити. Мафкуравий бўшлиқ ва уни янги мафкура билан тўлдиришнинг фалсафий вазифалари.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши ва ёшлар камолоти. Ёшларнинг янгича дунёқарашини шакллантириш.

2. Қадимги давр фалсафаси.

Шарқ- инсоният цивилизациясининг ўчоғи. Қадимги шарқ, Миср ва Бобилдаги фалсафий фикрлар.

Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафаси. Веда, Упанишада, Конфуций ва Лаоцизм фалсафаси. Будда фалсафаси. Махобхорат, Ромаяна.

Антик дунё фалсафаси. Грек фалсафасидаги фундаметал муаммolar. Субстанция.

Милет ва Элей мактаблари. Гераклит, Пифагор ва Пифагорчилар. “Ғоялар дунёси ва соялар дунёси” таълимоти.

Софистлар фалсафаси. Сукрот ва Афлотун фалсафаси. Эленизм даври ва Стоиклар фалсафаси. Християнликнинг шаклланиши, тарқалиши ва Ғарб фалсафаси фикрларига таъсири.

Қадимги шарқ ва антик дунёдаги фалсафий фикрларни ўрганиш зарурияти, унинг жаҳон маданияти фани учун аҳамияти. Қадимги замон фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

3. Марказий Осиёда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Марказий Осиёдаги энг қадимги давлатлар. Хоразм, Суғдиёна, Афросиёб, Шош, Паркана маданияти, унинг миллий истиқлолнинг шаклланишидаги аҳамияти.

“Авесто” ва Зардуштийлик ғоялари. Бактерия ва Кушон давлати давридаги ғоявий қарашлар. Марказий Осиёда буддавийлик. Буддавийликнинг Марказий Осиёга ёйилиши, унинг босқичлари. Моний ва Маздак таълимоти. Илк ўрта асрларда Ватанимизнинг жаҳондаги йирик маданият марказларидан бирига айланиши. Цивилизациямизнинг шарқ халқлари маданиятига акс таъсири.

Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий буюк ҳадисшунос олимлар. “Ал-Жомъе ас соҳиҳ” асари. Имом ул-Аъзам Абу Ханифа, Имом Моторудий ва Бурхониддин ал-Марғиноний қарашлари. “Ал-Хидоя” асари. Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фаробий, Беруний ва Ибн Синонинг илмий-фалсафий қарашлари. Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Араблар босқини ва ислом дини. Қуръон, Ҳадисларда исломий таълимотларнинг асоси баён қилинган. Темур ва темурийлар даври фалсафаси. Ўғитлар, тузуклар. Улуғбек, А. Навоий, Бобур ва Бобурийлар даври фалсафий қарашлар. Темурийлар даври ва ўрта асрлар фалсафаси.

4. Ўрта срлар ва янги давр Ғарб фалсафаси.

Рим империясининг қулаши ва Оврупада ягона миллий мафкуранинг таназзули. Гностиклар, дуализм, апологетлар, патристика, схоластика, номинализм ва реализм оқимларининг ғоялари. Ренессанс даври фалсафий тафаккури. Рим фалсафаси Ж. Бруно, Н. Коперник, Ф. Бэкон, Т. Гоббс қарашлари. XVII аср Оврупа фалсафасидаги рационализм.

XVIII аср маърифатчилиги. Вольтер, Руссо, Ламетри, Дирдо, Гельвеций, Голбах. Немис классик фалсафасининг йирик номоёндалари. И. Кант, В. Гегел, Л. Фейрбах.

Ўрта ва янги давр Оврупа фалсафасини ўрганишнинг ҳозирги давридаги аҳамияти.

5. Ҳозирги давр Ғарб фалсафаси

Ҳозирги замон фалсафасидаги ворисийлик ва янгиланиш, унинг XIX асрдаги илдиэлари. Позитивизм фалсафаси. О. Кант, Д.С. Милль, Г. Спенсернинг қарашлари. Неопозитивизм ва постпозитивом ғоялари. Эмпириакритицизм фалсафаси. Ф. Ницшейнинг фалсафий қарашлари. А. Бергсон ва О. Шпенглер фалсафий таълимоти. Прагматизм фалсафаси. Ч. Парс, У. Жеймс, Ж. Дъюининг фалсафий қарашлари. “Америкача яшаш модели” ғояси ва унинг амалга оширилиши.

Экзистенциализм фалсафаси-инсон фалсафасининг асоси. Дунёда ижтимоий жараёнларнинг марказига инсон муаммосининг қўйилиши. Феноменология фалсафаси. Ғарб мамлакатларида жамият фалсафаси. П. Сорокин ва Ғарб Социологияси. Индустириал ва постиндустириал жамият назарияси. К. Поппер ва унинг “Очиқ жамият” назарияси.

6. Борлик фалсафаси.

Борлик тушунчаси. Борлик ҳақидаги концепциялар. Онтология- борлик фалсафаси. Борлик, йўқлик, мавжудлик, моддийлик ва рухийлик тушунчалари. Уларнинг дунёвий,

диний ва фалсафий талқинлари. Борлиқ ва мавжудлик. Табиат борлиғи, инсон борлиғи, маънавий борлиқ, социал борлиқ. Йўқлик, воқелик (реаллик) тушунчаси. Ҳаракат тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари. Ҳаракатнинг абадийлиги, узликсизлиги ва тинчликнинг нисбийлиги тамойили.

Борлиқнинг фазо ва вақтда мавжуд бўлиш тамойили. Макон ва замон тушунчалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Борлиқ тўғрисида шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Ибн Сино, Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмийларнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари.

7. Фалсафанинг қонунлари, категориялари ва методлари.

Қонун тушунчаси, таърифи. Табиат ва жамият қонунлари. Фалсафий қонунлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Айният, тафовут, қарама-қаршилик ва зиддият тушунчалари. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.

Миқдор, сифат тушунчалари. Меъёрнинг бузилиши ва янги сифатга ўтиши. Инкор тушунчаси, инкорни инкор диалектикаси. Категория сўзининг луғавий маъноси. Бутун ва бўлак, система, структура ва элемент олам тузилмасининг намоён бўлиш шакллари сифатида.

Айримлик, хусусийлик ва умумийлик, бутун ва қисм категориялари. Тараққиётнинг ўзбек модели, алоҳидалик ва умумийлик диалектикаси. Мазмун ва шакл категориялари, уларнинг табиат ва инсон ҳаётида намоён бўлиш хусусиятлари.

Сабаб ва оқибат категориялари. Воқеликдаги зарурий ва тасодифий жараёнлар. Зарурият ва тасодиф категорияси. Имконият ва воқелик категорияси, уларнинг моҳияти ва мазмуни.

Метафизика, унинг асосий тушунчалари ва тамойиллари. Ривожланиш ва системалик. Ўзаро бир-бирини тақозо этиш тамойили. Сабабият назарияси. Детерминизм ва индетерминизм ўз-ўзини ташкил этиш тамойилли. Синергитика ва унинг асосий ғоялари. Диалектика ва метафизика, детерминизм ва индетерминизм, реалитивизм ва синергетиканинг жаҳон фалсафаси учун аҳамияти.

8. Дунёни англаш ва билиш.

Онг ва руҳият. Онг моҳияти. Онг ва руҳиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги табиий-илмий тасаввурлар ва қарашлар. Фалсафада онг ва руҳият муаммоси. Онг-инсон миясининг маҳсули. Онг, онгсизлик. Онг ва инъикос. Инъикоснинг моҳияти, асосий шакллари. Инъикос жараёни. Ижтимоий ва индивидуал онг. Ижтимоий онг тушунчаси, унинг мазмуни, таркибий қисмлари. Ижтимоий онг структураси. Одатий ва назарий онг. Ижтимоий онг шакллари. Ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий онг.

Ғоя унинг шакллари: диний ва дунёвий ғоя. Мафкура тушунчаси, унинг моҳияти. Ўзбекистондаги мафкуравий жараёнлар. Мафкуравий майдон, мафкуравий бўшлиқ, мафкуравий таъсир, мафкуравий иммунитет тушунчалари. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. Истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари, тамойиллари, хусусиятлари, мақсадлари.

9. Инсон ва жамият фалсафаси

Жамият тушунчасининг моҳияти ва мазмуни. Жамият мавжудлигининг моддий ва маънавий омиллари. Жамият тараққиёти тўғрисидаги турли назариялар. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти. Тараққиётнинг ўзбек модели. Жамият ва оила. Соғлом авлод тарбияси жамият келажаги учун ҳаракат. Цивилизациялашган жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш вазифалари.

Инсон- фалсафанинг бош мавзуси. Антропология- инсон тўғрисидаги фан, унинг фалсафий муаммолари. Одам, инсон, индивид ва шахс тушунчалари. Инсон тарихнинг яратувчиси ва энг улуғ ижтимоий қадрият.

Инсоннинг табиати ва моҳияти. Инсон мавжудлиги: (жисм) ва рух (маънавият) уйғунлиги. Инсон борлиғи; табиий жонзод, биологик зот, ижтимоий вужуд. Инсоннинг маънавий руҳий олами, инсон қадри ва эркинликлари. Инсон муаммосининг ўрганишнинг тарбиявий зарурияти ва аҳамияти.

10. Маданият ва фан фалсафаси

Маданият тушунчасининг луғавий маъноси. Маданиятнинг таърифи. Моддий ва маънавий маданият. Маданият ва цивилизация тушунчалари. Уларнинг бир- бирдан фарқи. Цивилизацияларнинг тарихий шакллари. Жаҳон цивилизацияси ва унда Ўзбекистоннинг ўрни. Маданиятда ранг- баранглик, миллийлик ва умуминсонийлик. Маданиятнинг шахс билан боғлиқ функцияси. Маданиятнинг вазифаси. Ватанимиз маданиятида умуминсоний қадриятлар устуворлиги. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари. Маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли.

Фан ва унинг турлари. Фаннинг тарихи, унинг турли цивилизация ва даврлардаги тараққиёти. Фаннинг пайдо бўлишида Шарқ ва Ғарбнинг роли. Фаннинг пайдо бўлишидаги Европоцентризм ва Осиёцентризм, уларнинг моҳияти. Фанда анъаналар ва янгилаш. Жамият ҳаётида фаннинг ўрни ва аҳамиятининг ортиб бориши.

Фанда ижод муаммоси, кашфиётлар, унинг аҳамияти ва оқибатлари. Фаннинг аксиологик муаммолари, маънавий- ахлоқий тамойиллари, қадри ва қадриятлари. Ўзбекистон фани, унинг ташкилий тузилмалари, илмий ҳамкорликлари мактаблар ва фанни ташкил этишнинг шакллари.

11. Глобал муаммолар фалсафаси.

Инсоният истикболини белгиловчи омиллар ва илмий башорат қилиш усуллари. Умумбашарий муаммолар. Умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва имкониятлари. Жаҳон тараққиётининг яқин ва узоқ келажагини илмий башорат қилиш имкониятлари. Илмий башорат қилиш усуллари. Илмий гипотеза ва тахминлар, уларнинг аҳамияти. Республикамиз табиати ва уни авайлаб – асраш муаммолари. Орол бўйи экологияси ва мамлакатимиз табиатини асрашда инсон маъсулияти. Соғлом авлод учун ҳаракат ва Ўзбекистон инсон саломатлигига эътибор.

Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифалари. Умумбашарий муаммоларни бартараф этиш йўллари. Умумбашарий муаммоларни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти. Глобаллашув жараёнларининг ижобий натижалари ва салбий оқибатлари.

